



WAYS TO INCREASE THE ECONOMIC POTENTIAL OF INDUSTRIAL ENTERPRISES (IN THE EXAMPLE OF SURKHANDARYA REGION)

Abdirokhmanov Utkir Pulatovich

Termiz University of Economics and Service,
2nd year master's degree in the fields of economics and industry
<https://doi.org/10.5281/zenodo.13954335>

ARTICLE INFO

Received: 11th October 2024
Accepted: 17th October 2024
Online: 19th October 2024

KEYWORDS

Industry, heavy industry, light industry, food industry, material and technical support, production efficiency, Uzbekistan industry, logistics plan, economic development.

ABSTRACT

This article discusses the role of industry in society and its significance in economic development. Industry unites the working class, which is the driving force of society, and grows alongside technological progress. The article highlights the development of heavy industry, light industry, and the food industry sectors, as well as the organization of material and technical support and the efficient use of resources in enterprises. Additionally, the current state of Uzbekistan's industry and the results of implementing modern production technologies are examined.

САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ЙУЛЛАРИ (СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

Абдирахманов Ўткир Пулатович

Термиз иқтисодиёт ва сервис университети
2-курс магистранти иқтисодиёт тармоқлар соҳалар йўналиши
<https://doi.org/10.5281/zenodo.13954335>

ARTICLE INFO

Received: 11th October 2024
Accepted: 17th October 2024
Online: 19th October 2024

KEYWORDS

Sanoat, og'ir sanoat, yengil sanoat, oziq-ovqat sanoati, moddiy-texnik ta'minot, ishlab chiqarish samaradorligi, O'zbekiston sanoati, logistik reja, iqtisodiy rivojlanish.

ABSTRACT

Ushbu maqolada sanoatning jamiyatdagi o'rnini va uning iqtisodiy rivojlanishdagi ahamiyati haqida so'z boradi. Sanoat jamiyatning yetakchi kuchi bo'lgan ishchilar sinfini birlashtiradi va texnologik taraqqiyot asosida o'sib boradi. Maqolada og'ir sanoat, yengil sanoat va oziq-ovqat sanoati tarmoqlarining rivojlanishi, moddiy-texnik ta'minotning tashkil etilishi, korxonalar resurslaridan samarali foydalanish masalalari yoritilgan. Shuningdek, O'zbekiston sanoatining hozirgi holati va ishlab chiqarishning zamonaviy texnologiyalarini joriy etish bo'yicha olingan natijalar ham ko'rib chiqilgan.

Саноат жамиятнинг етакчи кучи бўлган ишчилар синфини ўзида бирлаштиради. Саноат ривожини тугайли унда банд бўлган ходимларнинг сони купаяди, уларнинг билим ва илми, моҳарати ортади, кадрлар салоҳияти юқори даражага кўтарилади.



Саноат асосан 3 турга бўлинади: -Оғир саноат, енгил саноат ва озиқ-овқат саноатидан иборат.

Саноатнинг вужудга келиши ва ривожланиши меҳнат тақсимотининг ўсиши, ишлаб чиқаришни дифференциялаш ва интенсивлаштириш билан чамбарчас боғлиқ. Хозирги замон йирик саноати бир-бири билан чамабарчас боғлиқ бўлган кўпгина тармоқлар ва ишлаб чиқаришлардан ташкил топади. Бугунги кунда Ўзбекистон Республика саноатида 175 тармоқ, 1500 га яқин йирик ва ўрта саноат корхоналари мавжуд.

Самарадорлик саноат ишлаб чиқариш фаолиятининг “кузгуси” ҳисобланади. Бу “кузгу” да ишлаб чиқаришнинг барча натижаларини кўриш мумкин. Маълумки ҳар бир тармоқ, корхона қолаверса ҳар бир шахс ўз ишлаб чиқариш фаолиятида максимум фойда олишга интилади.

Саноат корхоналари фаолиятида уларнинг ресурсларини моддий-техник таъминоти масалаларига катта ўрин берилади, бу эса ривожланиш тактикасининг энг муҳим бўлимларидан бири ҳисобланади. Моддий ресурсларга бўлган эҳтиёжни ҳисоблаш корхонанинг моддий-техник таъминоти нуқтаи назаридан амалга оширилади.

Логистика режасини ишлаб чиқиш уни тўлиқ асослашни ўз ичига олади, чунки корхонанинг ишлаб чиқариш дастурини амалга ошириш бунга боғлиқ. Бундан ташқари, ушбу режада режалаштирилган моддий-техника ресурсларини етказиб бериш ҳажмлари бир вақтнинг ўзида IT соҳасида эксперт бўлган интегрант-корхоналарнинг маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш истиқболларини ишлаб чиқиш учун асосдир.

Корхона моддий-техник таъминоти бўйича жорий режани ишлаб чиқиш учун дастлабки маълумотлар қуйидагилар ҳисобланади: – ишлаб чиқаришнинг режалаштирилган ҳажмлари (корхонанинг ишлаб чиқариш дастури); – техник ва ташкилий ривожлантириш бўйича ишлар ҳажми; – капитал қурилиш ҳажмлари; – меъёрий-ҳуқуқий база (материаллар истеъмолини камайтиришни ҳисобга олган Корхона моддий-техник таъминотининг истиқболли ҳолатини ўр ганиш йил давомида умумий натурал ва қиймат кўринишида амалга оширилади ва чораклар бўйича тақсимланади.

Корхонанинг истиқболли моддий-техник таъминоти учун материалларни ишлаб чиқишда ишлаб чиқариш воситаларини тежашнинг иқтисодий-техник ва технологик имкониятлари қуйидаги йўналишларда амалга оширилади: – янги илғор технологик жараёнларни жорий этишда чиқиндилар ва йўқотишларни камайтириш. Масалан, машинасозлик корхоналарида суюқ метални аниқ қуйиш усуллари қўллаш, технология имкон берадиган жойларда қисмларни зарб қилиш штамплаш билан алмаштирилиши, материалларни оқилона кесиш, хом ашёдан комплекс фойдаланиш ва ҳоказо; – қиммат ва камёб бўлган материалларни арзонроқ, лекин ундан сифати паст бўлмаган материалларга алмаштириш. Масалан, технологик жараёнда қора ва рангли металллар ўрнига пластик қисмлардан фойдаланиш, мойлаш материаллари, контейнерлар, каучук ва бошқаларни қайта ишлатиш; – нафақат хом ашё ва материалларни тежаш, балки уларни ишлаб чиқаришдаги меҳнат сиғимини



камайтириш, асбоб-ускуналарнинг ўтказувчанлигини ошириш, ташиш ҳажмини, ёқилғи сарфини камайтириш ва бошқалар учун асбоб-ускуналар ҳамда маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларини бузмасдан оғирлигини камайтириш. Корхонанинг моддий-техник таъминоти режасини ишлаб чиқиш икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда эҳтиёж муайян турдаги моддий ресурсларнинг зарур миқдори тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган шартномалар бўйича ҳисобкитоблар шаклида режалаштирилади. Бундай ҳолда, бошланғич асос:

1. Корхонанинг ишлаб чиқариш дастури, шу жумладан давлат буюртмаси ҳажми.
2. Интегрант-корхоналардан моддий-техника ресурсларини етказиб бериш даврийлиги ва уларнинг сифати таҳлилинини ҳисобга олган ҳолда режалаштирилган даврдан олдинги йилнинг эришилган кўрсаткичлари. Иккинчи босқичда моддий-техник таъминот режаси лойиҳаси янги асбобускуналар ва тажриба-синов ишларини жорий этиш бўйича янгиланган дастурлар, хом ашё ва материаллар ҳамда ишлаб чиқариш заҳиралари учун янгиланган истеъмол меъёрлари, омбордаги моддий ресурсларнинг ҳақиқий қолдиқлари асосида тузатилади. Шу билан бирга, айрим турдаги моддий ресурслар (агар мавжуд бўлса) тақчиллигини бартараф этиш чоратадбирлари кўзда тутилади ва таъминлаш манбалари аниқланади. Логистика режаси ресурсларга бўлган эҳтиёжни ҳисоблаш ва логистика балансидан иборат. Моддий-техник ресурсларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш учун ҳисоб-китоблар корхоналарнинг тармоқ хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, фойдаланиладматериалларнинг хусусиятига қараб таснифланган алоҳида ҳисоб-китоблар шаклида амалга оширилади:

- 1) хом ашё ва материалларга бўлган эҳтиёж;
- 2) ёқилғига бўлган эҳтиёж;
- 3) энергияга бўлган эҳтиёж;
- 4) ускуналарга бўлган эҳтиёж

Минтақавий иқтисодиётда "Минтақанинг иқтисодий салоҳияти" концепциясини белгилашда иккита ёндашув ажратилган: минтақанинг маълум бир вақт давомидаги ресурслари максимал мавжудлиги (еҳтимоли) ва эҳтиёжларнинг максимал даражада қондирилиши[5]. Минтақанинг иқтисодий салоҳияти ички ва ташқи эҳтиёжларни максимал даражада қондирадиган реал ва заҳира ресурсларининг умумий ҳажмининг ҳолати ҳисобланади. Умуман олганда минтақанинг ишлаб чиқариш салоҳияти – мавжуд ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланган ҳолда узоқ муддатли барқарор ривожланишни таъминлаш ҳамда ташқи муҳит билан ўзаро муносабатлар жараёнида истеъмолчиларни саноат маҳсулотларига бўлган талабни шакллантириш, аниқлаш ва қондириш қобилиятини англатади. Минтақавий ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш эса - ресурсларни мақсадли фаолиятларга сафарбар қилиш, тегишли инфтузилмаларни шакллантириш ва зарурий чораларни ишлаб чиқиш асосида ривожланиш йўналишларини белгилаш ҳисобланади. Минтақанинг узоқ муддатга мўлжалланган мақсади стратегиясини ишлаб чиқиш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш эса илмий асосга бўлиши, иқтисодий салоҳиятни оширишга ижобий таъсир этувчи омилларни ҳисобга олиши талаб этилади. Мамлакатимиз олимлари томонидан саноат ишлаб чиқариш салоҳиятини баҳолаш бўйича бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Расулов Ғ.С. томонидан "Иқтисодиёт ва инновацион



технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2019 йил 1/2019 (№ 00039) www.iqtisodiyot.uz 3 саноатни ишлаб чиқариш салоҳияти тармоқлар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши статистик таҳлил усуллари асосида баҳоланган.

Сўнгги йилларда Муҳтарам Президентимизнинг 2021 йил 9 июн кундаги ПФ-6244 сонли фармонида асосан мамлакатимиз саноат салоҳиятини мустақкамлаш ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш, шаҳар ва вилоятларда янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ҳисобига аҳолини иш билан банд қилишни кенгайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар қабул қилинди ва амалга оширилди.

Натижада, сўнгги тўрт йил ичида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 23 фоизга, шу жумладан электротехника, тўқимачилик, чарм-пойабзал, озиқ-овқат, фармацевтика, заргарлик саноати, қурилиш материаллари, мебель, уй-рўзгор буюмлари ва бошқа истеъмол моллари ишлаб чиқариш сингари саноатнинг ҳудудларда жадал ривожланаётган тармоқлари 1,3 баробардан кўпроқ ўсди.

Шу билан бирга, ҳудудларда мавжуд саноат салоҳиятидан, айниқса, қурилиш индустриясини ривожлантиришда норуда минералларнинг хом ашё базасини ўзлаштириш имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти.

Хусусан, керамзит, силикат қуми, шиша хом ашёси, қурилиш ва қоплама тошларга эга ўрганилган конларнинг ярмидан кўпи ўзлаштирилмай қолмоқда. Натижада, санитария-техник воситалар бўйича маҳаллий ишлаб чиқариш ички бозорнинг фақатгина 40 фоизини, газбетон блоклар — 51 фоизини, лок-бўёқ маҳсулотлари — 65 фоизини, қурилиш ойналари — 70 фоизини, девор гулқоғозлари — 30 фоизини ташкил этмоқда.

Қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган туманлар (шаҳарлар) РЎЙХАТИ

Т/р	Туманлар (шаҳарлар)	Туман (шаҳар)нинг ихтисослашуви
1.	Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак тумани	Цемент ва ундан қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, вермикулитни қайта ишлаш
2.	Андижон вилояти Булоқбоши тумани	Мармар буюмлар, газбетон блоклари ва пардозбоп ғиштларни ишлаб чиқариш
3.	Бухоро вилояти Пешку тумани	Табиий тошларни қайта ишлаш ва пардозбоп плиталарни ишлаб чиқариш
4.	Бухоро вилояти Қоровулбозор тумани	Силикат маҳсулотлар, қурилиш плиталари ва цемент ишлаб чиқариш
5.	Жиззах вилояти Фориш тумани	Базальт хом ашёсини қайта ишлаш асосида қурилиш материалларини ишлаб чиқариш
6.	Қашқадарё вилояти Китоб тумани	Цемент ишлаб чиқариш ва табиий тош (мармар)ни қайта ишлаш
7.	Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани	Қурилиш тоши ва шағални қайта ишлаш асосида қурилиш материалларини ишлаб



		чиқариш
8.	Навоий вилояти Зарафшон шаҳри	Газбетон блокларини ишлаб чиқариш
9.	Навоий вилояти Ғозғон шаҳри	Минерал момиқ (вата), табиий тошлардан пардозбоп ва қурилиш плиталарини ишлаб чиқариш
10.	Навоий вилояти Учқудуқ тумани	Каолинни қайта ишлаш, темирбетон буюмларни ишлаб чиқариш
11.	Наманган вилояти Уйчи тумани	Пардозбоп ғишт ишлаб чиқариш
12.	Наманган вилояти Учқўрғон тумани	Пардозбоп ғишт ишлаб чиқариш
13.	Наманган вилояти Чуст тумани	Пардозбоп ғишт ишлаб чиқариш
14.	Наманган вилояти Поп тумани	Табиий тошни қайта ишлаш, пардозбоп плиталарни ишлаб чиқариш
15.	Самарқанд вилояти Нуробод тумани	Гипс ва силикат материаллар, цемент ишлаб чиқариш, табиий тошни қайта ишлаш
16.	Самарқанд вилояти Пахтачи тумани	Гипс буюмлар ва минерал момиқ (вата) ишлаб чиқариш, табиий тошни қайта ишлаш
17.	Сирдарё вилояти Ховос тумани	Темирбетон буюмлар ишлаб чиқариш
18.	Сурхондарё вилояти Бойсун тумани	Цемент ва гипсокартон буюмлар ишлаб чиқариш
19.	Сурхондарё вилояти Шеробод тумани	Гипс буюмлар, цемент, темирбетон буюмлар ишлаб чиқариш, табиий тошни қайта ишлаш
20.	Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани	Гипс буюмлар, цемент, темирбетон буюмлар ишлаб чиқариш, табиий тошни қайта ишлаш
21.	Тошкент вилояти Оҳангарон тумани	Гипс буюмлар, цемент, темирбетон буюмлар, минерал момиқ (вата) ишлаб чиқариш, табиий тошни қайта ишлаш
22.	Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани	Гипс ва керамик буюмлар, цемент, темирбетон буюмлар, табиий бўёқлар ишлаб чиқариш
23.	Хоразм вилояти Ҳазорасп тумани	Пардозбоп ғишт ва гулқоғоз (обой) ишлаб чиқариш
24.	Хоразм вилояти Тупроққалъа тумани	Гулқоғоз (обой) ва керамик плиталар ишлаб чиқариш

References:

1. Rasulov G.S. "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali, № 1, yanvar-fevral, 2019 yil, 1/2019 (№ 00039).
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti, 2021 yil 9 iyun, PF-6244-sonli farmoni.
3. O'zbekiston Respublikasi Sanoat statistika ma'lumotlari, 2024 yil.